

“Капиталбанк” АТБ  
Бошқарувининг 19 сентябрь 2025  
йилдаги қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”  
(баённомадан кўчирма 64/25)

Банк Бошқаруви Раиси  
\_\_\_\_\_ К. Л. Маевский

**“КАПИТАЛБАНК” АТБ ЯГОНА ФИЛИАЛИДА  
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА КОМПЛЕКС БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ  
ҚОИДАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР**

**Тошкент - 2025**

I. “Капиталбанк” АТБ Бошқаруви йигилишининг 25.12.2019 йилдаги 41-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Капиталбанк” АТБ Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш қоидаларига (бундан кейин – “Қоидалар”) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1.1. Қоидаларнинг 7-Бўлими қўйидаги мазмундаги 7.3 ва 7.4 бандлар билан тўлдирилсин:

“7.3. Банк Мижоздан олинган шахсга доир маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни 10, 12, 14 ва 18-моддаларига мувофиқ йигади, тизимлаштиради, сақлайди, улардан фойдаланади, уларни тарқатади ва уларга ишлов беради.

7.4. Банк “Телеком-антифрод” сервисидан фойдаланган ҳолда Мижоз МБХ тизимида рўйхатдан ўтишда фойдаланган Абонент қурилмасининг қўйидаги маълумотларни йигади, тизимлаштиради, сақлайди, улардан фойдаланади, уларни тарқатади ва уларга ишлов беради: уланиш нуқтаси IP-манзили ва манзили, Абонент ытурилмаси жойлашган жойи тщ-рисида маълумот ва ҳ.к. Банк томонидан кўрсатилган ҳаракатлар ўғирликлар, фирибгарлик ҳамда Банк ва Мижоз манфаатларига бўлган бошқа хатарларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида амалга оширилади.”

II. Мижозлар Қоидаларга қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида Банкнинг Интернетдаги [www.kapitalbank.uz](http://www.kapitalbank.uz) сайтида тегишли эълон жойлаштириш орқали хабардор қилинсин.